

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЧИЛОВ ЭЛБЕК ОЛИМОВИЧ

**15-16 ЁШЛИ КУРАШЧИЛАРДА РАҚИБНИ ЎНГ ВА ЧАП
ТОМОНЛАМА КЎТАРИБ ТАШЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ АНАЭРОБ
ЧИДАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Очилов Элбек Олимович

15-16 ёшли курашчиларда рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш билан боғлиқ анаэроб чидамкорликни ривожлантириш методикаси.....3

Очилов Элбек Олимович

Методика развития у 15-16 летних курашистов анаэробной выносливости, связанной с левосторонними и правосторонними бросками соперника.....29

Ochilov Elbek Olimovich

Developing methods of anaerobic endurance in 15-16-year-old wrestlers related to lifting the opponent right and left side.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ОЧИЛОВ ЭЛБЕК ОЛИМОВИЧ

**15-16 ЁШЛИ КУРАШЧИЛАРДА РАҚИБНИ ЎНГ ВА ЧАП
ТОМОНЛАМА КЎТАРИБ ТАШЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ АНАЭРОБ
ЧИДАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4. PhD/Ped2028 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мирзанов Шерзод Сирлибаевич**
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Расмий оппонентлар: **Алламуратов Шухратулла Иноятович**
биология фанлари доктори, доцент

Бакиев Зафар Абдушукурович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Чирчиқ давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. (Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “В” биноси, 2-қават, Илмий кенгаш зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Ф.А.Керимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё спорт амалиётида ўта нуфузли мусобақалар таркибига мансуб жаҳон чемпионатлари ва юқори рейтингли саралаш турнирларида иштирок этишга лойиқ бўлган спорт захираларини танлашда асосан 15-16 ёшли спортчиларга мўлжал қилиниши одат тусига кирган. Бундай стратегик анъанага устунлик бериш, бугунги спорт амалиётида кунига 2-3 мартадан ўтказиладиган шиддатли машғулотлар, узоқ давом этадиган мусобақа цикларида кўп марталаб такрорланувчи юкламаларга бардош бериш қобилияти, шу жумладан, жисмоний, психофункционал ва техник-тактик имкониятларни шакллантиришга айнан шу ёш босқичидан бошлаб урғу берилиши билан аҳамиятлидир.

Жаҳонда курашчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, техник ва тактик тайёрлашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш, ҳаракат координациясини такомиллаштириш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. 15-16 ёшли курашчиларда жисмоний тайёргарликни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам шу ёш бўйича белгиланган меъёрий кўрсаткичлардан паст даражада қайд этилган. Шу боис курашчиларнинг анаэроб чидамкорлигини ривожлантиришда машғулот юкламаларини тақсимлаш ва режалаштириш, мусобақа ва махсус машқларни бажариш ҳаракатини бошқариш ва уни биомеханик таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ курашчиларни рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш билан боғлиқ анаэроб чидамкорликни ривожлантириш юзасидан илмий ишлар олиб бориш зарурияти юзага келмоқда.

Республикада сўнги йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борилаётган мақсадли спортчилар тайёрлаш тизимининг шаклланиши, ёшларга берилаётган эътибор, оммавий спорт турларини ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. “Кураш миллий спорт турини аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш”¹ вазифаси белгилаб берилган. Лекин шундай бўлса-да, кураш бўйича фаолият кўрсатиб келаётган спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари, ҳатто терма жамоаларда олиб борилаётган машғулотларда анаэроб юкламаларга асосланган техник-тактик усуллар самарадорлигини таъминловчи махсус чидамкорлик ва унинг гипоксик қиймати 15-16 ёшли курашчилар мисолида етарли даражада ўрганилмаган. Курашда техник-тактик тайёргарликни баҳолаш учун қўлланиладиган усуллар билан боғлиқ техник-тактик маҳоратни баҳолашда асосан рақибни фақат қулай томонга (ўнг ёки чап томонга) кўтариб ташлаш ҳажми ва шиддатини аниқлашга мўлжалланган тестларларни саралаш ва самарадорлигини аниқлаш зарурияти юзага келмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кураш миллий спортини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида” ги ПҚ-3306-сонли Қарори; 2017 йил 2 октябрь.

Шунинг учун мазкур кураш турида техник-тактик усулларни чап ва ўнг томонлама бажариш қобилиятини шакллантирувчи машқлар, уларни баҳолашга мўлжалланган тестларни ишлаб чиқиш ва 15-16 ёшли курашчилар амалиётига тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 4 ноябрдаги ПҚ-4881-сон “Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сон “Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга келиб спорт амалиётида техник-тактик усулларни самарали ижро этиш, узоқ давом этувчи мусобақа цикларида юксак натижаларга эришиш имконияти устувор жиҳатдан аэроб ва анаэроб чидамкорлик турларига боғлиқ эканлиги, уларнинг моҳияти, мазмуни ва физиологик механизмлари фундаментал тадқиқотлар асосида очиб берилган. Ушбу сифатларни ривожлантириш воситалари ва методлари ишлаб чиқилган, илмий-назарий қирралари талқин этилган. Жумладан, маҳаллий олимлардан А.Р.Таймуродов, Ф.А.Керимов, А.Н.Абдиев, Р.Р.Холмухамедов, Ш.А.Мирзакулов, И.Б.Алиев, З.С.Артиқов, Ш.Э.Келдиёров, Ш.С.Мирзанов, Б.К.Еримбетов, Ф.Бобомуродов, М.М.Қирғизбоевлар томонидан кураш спорт турининг турли жиҳатлари ёритилган².

Аэроб ва анаэроб чидамкорлик турларининг ўзига хос хусусиятлари, уларни нафақат ўзаро боғлиқлиги, балки бошқа жисмоний сифатларга асосланиши (тезкорлик-куч чидамкорлиги, координацион чидамкорлиги ва ҳ.к.) кураш турлари мисолида ҳам очиб берилган. Мазкур сифатларни ҳар бир кураш турида ихтисослаштирилган тартибда ривожлантириш методикалари яратилган, жумладан, хорижий олимлардан Л.П.Матвеев, В.М. Зациорский, Ю.В. Верхошанский, В.Н. Платонов, Л.П. Волков, М.А. Годик, Ю.Ф.Курамшин, А.А.Максименко, Ж.К.Холодов,

В.С. Кузнецовларнинг тадқиқотларида акс этган³. Аммо, кураш турларида

² Мирзакулов Ш.А., Мирзанов Ш.С. ва б. Белбоғли кураш бўйича спорт педагогик маҳоратини ошириш. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва услубияти. Дисс.канд.пед.наук. 2012, –140-б., Артиков З.С. Белбоғли курашда статик ва динамик кучланиш давомида мувозанат сақлаш функциясини шакллантириш методикаси. – Т.: ИТА-пресс, 2018. – 356-б.; Абдиев А.Н., Динамика состояние борцов 16-17 лет на после соревновательном этапе в процессе многоциклового подготовки. Автореф.дис.канд. пед. наук. – Т.: ИТА-пресс, 2018. – 202-б., Келдиёров Ш.Э. Кураш миллий спорт тури ҳаракатларини дастлабки ўргатиш услубларини такомиллаштириш. Дисс. 2019. –15-30-б., Еримбетов Б.К. Малакали курашчилар мусобақа ва машғулот жараёнини педагогик назорат қилишнинг назарий-методик асосларини такомиллаштириш. Дисс.канд.пед.наук. – Ч., 2020, 14-85-б. Монография.Т.: 2021 й. 10-40-б., Алиев И.Б. Кураш билан шуғулланувчи талаба спортчиларни машғулот юкламаларининг оптимал нисбатлари.

³ Мищенко В.С. Функциональные возможности спортсменов. –Киев: Здоровья 1990. – 200 с.; Миндиашвили Д.Г., Завьялов А.А. Учебник тренера по борьбе. –Красноярск: Изд-во КПУ, 1995. – 213 с.; Бойко В.Ф.,

аэроб ва анаэроб чидамкорликни гипоксик машқлар ёрдамида ривожлантириш А.О. Карелин, А.О. Акопян, Ф.А. Керимов, О.В. Коломейчук⁴ томонидан ўрганилган. Масалан, бу борада Т.Б. Зорин иш имкониятлари ниҳоятда кам ўрганилганлигини аниқлаган. Т.Б. Зорина, С.А. Кочанов, Г.С. Туманян, В.Ф. Бойко, Г.В. Даньколарнинг дзюдочилар устида ўтказилган тадқиқотлари асосида маълум бўлдики, тайёргарлик жараёнининг мусобақа даврида гипоксик имкониятларни кучайтирувчи машқларни қўллаб бориш иш қобилиятини ошириши мумкин экан. О.В.Коломейчукнинг таъкидлашича, юқори малакали самбочилар машғулотларида гипоксик машқлардан мунтазам фойдаланиш асосида махсус жисмоний тайёргарликни самарали ривожлантириш муқаррар экан. Мазкур йўналишда олиб борилган бошқа тадқиқотларда ҳам аэроб ва анаэроб имкониятларни жадал ривожлантиришда гипоксик машқларнинг ўрни асосан юқори малакали спортчилар мисолида ўрганилган. Бироқ, ушбу масала ёш курашчиларда деярли ўрганилмаган, курашида, шу жумладан, “катта” спорт захирасини таъминловчи 15-16 ёшли курашчиларда кўп қиррали тадқиқот остига олинмаганлиги аниқланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий тадқиқот ишлари стратегияси ва истиқболли режасининг №34.2 “Кураш спорт таълим муассасалари машғулотларида янги педагогик технологияларни қўллаш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кураши билан шуғулланувчи 15-16 ёшли курашчиларда рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлашга мўлжалланган анаэроб чидамкорликни баҳолаш ҳамда ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

15-16 ёшли курашчиларнинг рақибни икки томонга ошириб ташлашда

Данько Г.В. Физическая подготовка борцов. – Киев, Олимпийская литература, 2004. – 150-158-б.; Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва услубияти: Дарслик. – Т., 2001. – 285 б.; Карелин А.А. Спортивная подготовка борцов высокой квалификации. Монография. //Новосибирск, 2002. – 480 с.; Туманян Г.С. Школа мастерства борцов, дзюдоистов и самбистов: Учеб.пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Издательский центр “Академия”, 2006. – 591 с.; Акопян.А.О. / Панков.А.В., Астахов.С.А. Скоростно-силовая подготовка в видах спортивных единоборств/ М.Советский спорт, 2003. 46 с.; Tastanov N.A. Kurash turlari nazariyasi va uslubiyati. / Darslik. – Т., “Sano-Standar”, 2017. – 480 б.; Шиян В.В. Совершенствование специальной выносливости борцов. –М.: ФОН, 1997, №4, 166 с.; Мирзанов Ш.С. Белбоғли курашчиларда куч қобилиятини изокинетик машқлар ёрдамида ривожлантириш устуворлиги ва уни баҳолаш методикаси. дисс. автореферати. Ч.: 2019. 5-16-б.

⁴ Зорина.Т.Б. Физическая культура и спорт, повышение работоспособности дзюдоистов на основе применения интервальной гиперкапнической тренировки в соревновательном периоде подготовки/ Уральский государственный технический университет-УПИ им.первого Президента России Б.Н.Ельцина, г.Екатеринбург; Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва услубияти: Дарслик. – Т., 2001. – 285 б.; Карелин А.А. Спортивная подготовка борцов высокой квалификации. Монография. //Новосибирск, 2002. – 480 с.; Карелин А.А. Спортивная подготовка борцов высокой квалификации. Монография. //Новосибирск, 2002. – 480 с.; Акопян.А.О. Скоростно-силовая подготовка в видах спортивных единоборств/ М.Советский спорт, 2003. –46 с.; Коломейчук О.В. Гипоксической устойчивостью спортсменов и режимы интервальной гипоксической тренировки. автореферат дисс. 2011.

Туманян Г.С. Школа мастерства борцов, дзюдоистов и самбистов: Учеб.пособие для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Издательский центр “Академия”, 2006. – 591 с.; Бойко В.Ф., Данько Г.В. Физическая подготовка борцов. –Киев, Олимпийская литература, 2004. –150-158 с.

ноқулай томонга рақибни мувозанатдан чиқариш комбинация вариантларини мусобақа шароитида қўллаш имкониятини ошириш;

15-16 ёшли курашчиларнинг анаэроб чидамкорлигини ривожлантиришда дам олиш интервалларини таъсир этиш йўналишидан келиб чиқиб машғулот юкламасини физиологик бошқариш ҳисобига жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини такомиллаштириш;

турли вазн тоифасидаги 15-16 ёшли курашчиларни анаэроб чидамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ҳафталик микроциклларни ишлаб чиқиш;

15-16 ёшли курашчиларда анаэроб ва куч чидамкорлигини ривожлантириш, куч чидамкорлигини оширувчи юқори шиддатда ташқи юклама билан бажариладиган машғулотларни жорий қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика Олимпия захиралари коллежидаги 15-16 ёшли курашчиларнинг машғулот жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети 15-16 ёшли курашчиларда усулларни ўнг ва чап томонлама ташлаш фарқи ҳамда анаэроб чидамкорлигини ривожланиш суръатини ўрганиш вазифалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид илмий-услубий манбалар таҳлили, тезкорлик-куч ва анаэроб чидамкорликни баҳолашга мўлжалланган педагогик тестлар, нафас олиш ритми ва ўпканинг тириклик сифимини аниқлаш, Штанге ва Генчи функционал синовлари, пульсометрия, педагогик тажриба ва математик статистика каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

15-16 ёшли курашчиларнинг рақибни икки томонга ошириб ташлашдаги юкламаларда ассиметрик фарқни аниқлаш асосида ноқулай томонга рақибни мувозанатдан чиқариш ёлғон ҳужум, мураккаб комбинация вариантларини мусобақа шароитида моделлаштириш ҳисобига симметризациялаш имконияти кенгайтирилган;

15-16 ёшли курашчиларнинг анаэроб чидамкорлигини ривожлантириш учун субкритик ва критик тезликда бажариладиган машқларни бажаришда дам олиш интервалларини таъсир этиш йўналишидан келиб чиқиб, юрак қисқариш сони (функционал кўрсаткичлар бўйича) машғулот юкламасини физиологик бошқариш ҳисобига жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари такомиллаштирилган;

турли вазн тоифасига мансуб 15-16 ёшли курашчиларнинг рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган (жисмоний ва функционал тайёргарлигига қараб) анаэроб чидамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ҳафталик микроциклларни ишлаб чиқиш ҳисобига махсус иш қобилияти оширилган;

15-16 ёшли курашчиларда анаэроб чидамкорликни ривожлантириш учун куч чидамкорлигини оширувчи юқори шиддатда ташқи юклама билан бажариладиган машқларда арқонга тирмашиб чиқишда белга қўшимча оғирлик боғлаш каби машғулотларни киритиш ҳисобига мусобақаларда ғалаба қозониш имконияти кенгайтирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кураш билан шуғулланувчи спортчиларга хос анаэроб чидамкорлик ва унинг гипоксик қийматини объектив баҳолашга мўлжалланган тестлар блоки ишлаб чиқилган;

кураш бўйича олиб борилаётган анъанавий машғулотлар анаэроб чидамкорлик ва гипоксик имкониятларни жадал ривожлантириш қудратига эга эмаслиги жорий тадқиқотлар асосида очиб берилган;

15-16 ёшли курашчиларда техник усулларни ўнг ва чап томонлама ижро этиш вақти, ҳажми, уларни ижро этиш билан боғлиқ анаэроб чидамкорликнинг кардиореспиратор кўрсаткичлари ўртасида катта диапазонли асимметрик фарқ мавжудлиги аниқланган;

15-16 ёшли курашчиларда ўнг ва чап томонлама ижро этиладиган техник усуллар ва анаэроб чидамкорлик ўртасидаги асимметрик фарқни махсус гипоксик машқлар ёрдамида симметризациялаш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг объективлиги ва ишончилиги ишлаб чиқилган инновацион тестларни тест-ретест синовларидан ўтказилганлиги, кураш федерацияси томонидан тасдиқланганлиги, қўлланилган замонавий ўлчов асбобларининг юксак технологик режимда ишлаш имконияти, тестлар ва ўлчов асбоблари ёрдамида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида республика ва халқаро анжуманларига тақдим этилган илмий маърузалар, журналларда нашрдан чиқарилган илмий мақолалар сертификатлари билан тасдиқланганлиги, натижаларнинг ишончилиги, уларга математик-статистика усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қўлланилган педагогик ва функционал тестлар, кураш билан шуғулланувчи ёш курашчиларда анаэроб чидамкорлик ва унинг гипоксик (O_2 танқислиги) қийматининг илмий-назарий моҳияти, бу борада олинган кўрсаткичларни юкламалар таъсирида ўзгариш сабабларини очиб беришда 15-16 ёшли курашчиларда анаэроб чидамкорликни жадал ривожлантириш суръати, уларда гипоксик имкониятни махсус машқлар ёрдамида кучайтириш имконияти мавжуд эканлиги билан миллий курашга хос техник-тактик усулларни ўнг ва чап томонлама қўллаш нисбати, уларни симметрик тартибда шакллантириш ҳамда ишлаб чиқилганлиги, мувофиқ инновацион тестлар асосида баҳолаш методикаси яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, курашга хос техник-тактик усулларни (рақибни кўтариб ташлаш усулларини) ўнг ва чап томонлама ижро этиш вақти, ҳажми ушбу юкламаларни таъминловчи анаэроб чидамкорлик, унинг кардиореспиратор кўрсаткичлари (юрakни қисқариш сони, нафас олиш ритми, ЎТС ва ҳ.к.) ўртасида юз берадиган асимметрик фарқни ишлаб чиқилган махсус гипоксик машқлар ёрдамида симметризациялаш имкониятлари очилади. Ушбу усулларни амалиётга жорий этиш барча техник-тактик машқларни ўнг томонга ҳам, чап

томонга ҳам ассиметрик тартибда амалга ошириш чораси яратилади, анаэроб чидамкорлик ва унинг гипоксик қийматини тежамкор ҳолатда ишлашга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. 15-16 ёшли курашчилар мисолида ўтказилган жорий тадқиқотлар ва педагогик тажриба натижалари асосида:

15-16 ёшли курашчиларнинг рақибни икки томонга ошириб ташлашдаги юкламаларда ассиметрик фарқни аниқлаш асосида ноқулай томонга мусобақа шароитида усулларни қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар “Кураш турлари назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сон буйруғига асосан 133-099 рақамли гувоҳнома). Натижада курашчиларнинг рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш қобилияти 5,6 %га ошишига эришилган;

15-16 ёшли курашчиларнинг анаэроб чидамкорлигини ривожлантириш учун субкритик ва критик тезликда бажариладиган машқларни бажаришда дам олиш интервалларини (функционал кўрсаткичлар бўйича) бошқариш бўйича таклифлар Ўзбекистон кураш федерациясида шуғулланувчилар билан олиб борилган машғулот жараёнига тадбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 16 июндаги 03-17-2/2701-сон маълумотномаси ва Ўзбекистон кураш федерациясининг 2021 йил 28 апрелдаги 14-сон далолатномаси). Натижада рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш сони ўртасида мавжуд бўлган ассиметрик фарқ ўқув йили бошида 2,4 мартага, ўқув йили якунига келиб 0,3 мартага қисқаришига эришилган;

турли вазн тоифасига мансуб 15-16 ёшли курашчиларнинг рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган ҳафталик микроциклни қўллаш бўйича таклифлар “Кураш турлари назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сон буйруғига асосан 133-099 рақамли гувоҳнома). Натижада 10 сония ичида ўнг елкадан ошириб ташлаш сони 14,52%, чап елкадан эса 20,59 % га, рақибни 10 марта ўнг елкадан ошириб ташлаш вақти 11,89 % га, чап елкадан ошириб ташлаш вақти 19,63 % га яхшиланган;

курашчиларда рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш усулларини симметрик тартибда шакллантиришга имкон яратувчи анаэроб чидамкорликни ривожлантиришга мўлжалланган махсус машқлар мажмуаси, Ўзбекистон кураш федерацияси томонидан 15-16 ёшли курашчиларнинг машғулот жараёнига тадбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 16 июндаги 03-17-2/2701-сон маълумотномаси, Ўзбекистон кураш федерациясининг 2021 йил 28 апрелдаги 13-сон далолатномаси). Натижада курашчиларнинг ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш усулини симметрик шаклланиши 7,6 % га ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда

муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий-услубий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларида 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 160 бет, 18 та расм, 23 та жадвал, 16 та диаграмма, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг илмий-амалий зарурияти, тадқиқотнинг Ўзбекистонда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, диссертацион тадқиқотнинг таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида амалга оширилганлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, услублари, натижаларнинг объективлиги, тадқиқот натижаларининг амалга жорий этилиши, нашр қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чидамкорлик, уни кураш амалиётидаги ўрни ва ривожлантириш масалалари”** деб номланган биринчи бобида ушбу сифатнинг турлари (аэроб ва анаэроб), моҳияти, энергетик механизмлари, уни бошқа жисмоний сифатлар билан боғлиқлиги ва кураш турларида ижро этиладиган техник-тактик усуллар (рақибни кўтариб ташлаш усуллари) самарадорлигини таъминлашдаги ўрни етакчи мутахассис-олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар, уларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари асосида очиқ берилган (Л.П.Матвеев, В.Н.Платонов, Ю.В.Верхошанский, А.А.Карелин, В.Ф.Бойко, Г.Ф.Данько, Г.С.Туманян, Ф.А.Керимов, О.В.Гончарова).

Мазкур бобда кураш турлари бўйича ўтказиладиган машғулотлар ва мусобақа беллашувларида ижро этиладиган техник-тактик ҳаракатлар, жумладан, кўп марталаб такрорланадиган рақибни у ёки бу томонлама елкадан, белдан, кўкракдан ошириб ташлаш суръати ва самарадорлигини таъминловчи анаэроб чидамкорликнинг бошқа жисмоний сифатларга асосланиши, айниқса уни курашчининг гипоксик имкониятларига (O_2 қарздорлигига бардош бериш) боғлиқ эканлиги библиографик маълумотлар таҳлилига биноан ёритилган.

Вазиятли спорт турларида, айниқса кураш амалиётида, анаэроб чидамкорликни ихтисослаштирилган машқлар ёрдамида ривожлантириш, ушбу сифатни қўлланиладиган беллашув усуллари давомида ўзгариш суръатини баҳолаш масалалари муҳокама остига олинган. Шу билан бир қаторда сўнгги йилларда мазкур йўналишда чоп этилган илмий-назарий манбаларда рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш суръати ҳамда самарадорлигини таъминловчи анаэроб (маҳсус) чидамкорлик, уларни симметрик тартибда шакллантиришга қаратилган масалалар деярли ўрганилмаганлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларни ўтказиш методикаси ва уни ташкил**

қилиш” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда қўлланилган педагогик методлар ва физиологик тестлар, уларнинг мазмуни ҳамда фойдаланиш методикаси очиб берилган. Жумладан, педагогик кузатув ва сўровнома методлари ёш курашчилар билан ўтказилаётган анъанавий машғулотларда беллашувларни қулай ва ноқулай (ўнг ёки чап) томонлардан амалга ошириш тажрибасини ўрганиш муаллиф томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Кураш федерациясининг 2021 йил 28 апрелдаги 13-сонли далолатномаси билан тасдиқланган ва “Интеллектуал мулк” агентлигининг 2021 йил 30 апрелдаги 003465-сонли гувоҳномаси расмийлаштирилган. Педагогик тестлар рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш ассиметриясини баҳолаш мақсадида қўлланилган, физиологик тестлар мазкур техник усулларни ижро этиш билан боғлиқ, махсус чидамкорликнинг функционал қийматини аниқлаш учун фойдаланилган. Ушбу бобда тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда қўлланилган статистик усуллар моҳияти, педагогик тажрибани ўтказиш дастури ва уни ташкил қилиш масалалари ёритилган.

Жумладан, 1-босқичда – мавзуга доир манбалар тўпланди, уларда қайд этилган маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар қиёсий таҳлил қилинди. 2017 йилнинг октябрь ойидан 2018 йилнинг июнь ойигача жорий тадқиқотлар, шу жумладан, педагогик кузатув ва сўровнома ўтказилди. Олинган натижалар математик статистика усуллари ёрдамида табақалаштирилган тартибда қиёсий таҳлил қилинди.

2-босқичда – 15-16 ёшли курашчиларда рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш билан боғлиқ анаэроб чидамлилиқни ривожлантиришга мўлжалланган экспериментал мазмунли машқлар ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон кураш федерацияси томонидан уларни амалиётга жорий этилиши тасдиқланди.

3-босқичда – 2018 йилнинг сентябрь ойидан 2019 йилнинг июнь ойигача (10 ой) бўлган вақт давомида педагогик тажриба ташкил этилди. Тажрибага 16 нафар 15-16 ёшли малакали курашчилардан иборат назорат (НГ) ва тажриба (ТГ) гуруҳлари жалб қилинди. НГ даги курашчилар анъанавий машғулотларда шуғулланишни давом эттирди. ТГ га мансуб ёш курашчиларнинг тайёргарлик жараёнида ишлаб чиқилган экспериментал машқлар мажмуалари қўлланилди.

4-босқичда – олинган натижалар умумлаштирилган ва табақалаштирилган ҳолда статистик таҳлил қилинди. Диссертация матни жадваллар, расмлар ва диаграммалар асосида ёзилди. Умумий хулоса ва амалий тавсиялар шакллантирилди.

Диссертациянинг **“15-16 ёшли курашчилар билан ўтказиладиган анъанавий машғулотларда рақибни икки томонлама кўтариб ташлаш усуллари ва анаэроб чидамкорликни ривожланиш суръати”** деб номланган учинчи бобда сўровнома, педагогик кузатув, педагогик ва физиологик тестлар ёрдамида ўтказилган тадқиқотлар натижалари қиёсий таҳлил қилинган. Жумладан, ёш курашчилар тренерлари ўртасида олиб борилган сўровнома ва анъанавий машғулотларни ўтказиш тажрибасини ўрганиш натижаларидан маълум бўлдики, беллашув усулларини ўргатиш ва уларни такомиллаштиришда аксарият ўқитувчи-тренерлар шуғулланувчи болаларнинг

ўнақай ёки чапақайлигига қараб, рақибни асосан қулай томондан кўтариб ташлашга урғу берар эканлар. Масалан, респондент-тренерларнинг (22 та) 86,4 %и рақибни қулай томондан кўтариб ташлаш афзаллигини эътироф этишган. Анъанавий машғулотлар давомида рақибни қулай томондан кўтариб ташлаш машқлари 11-12 ёшли курашчиларда ўртача 27,6 марта, 13-14 ёшли курашчиларда 32,3 марта, 15-16 ёшли курашчиларда 45,5 мартани, ноқулай томондан эса, мувофиқ равишда: 12,3; 16,9; 23,5 марта қўлланилган.

Маълумки, спорт амалиётида техник-тактик маҳоратни “ҳаракатга” келтириш, уни машғулот ва мусобақа давомида барқарор сақлаб қолиш жисмоний ва функционал тайёргарлик даражаси билан белгиланади. Лекин, ўтказилган жорий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 15-16 ёшли курашчиларда жисмоний тайёргарлик ҳам, функционал имкониятлар ҳам нисбатан суст ривожланган экан. Курашчиларнинг рақибни ноқулай томонга ошириб ташлаш маҳорати нуқтаи назаридан мусобақа фаолиятининг тузилмавий бирлиги ғалабанинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Асосий техник ҳаракатлар кураш спортида хужумлар, ҳимоя ҳаракатлари ва қарши хужум каби турларга ажратилади.

Курашчиларнинг рақибни ноқулай томонга ошириб ташлаш тайёргарлигининг интеграл кўрсаткичлари – ноқулай томонга ҳаракатларини мусобақалар жараёнида ишонарли ва натижали бажариш қобилияти ҳисобланади.

Аксарият яккакураш спорт турларида, шу жумладан, кураш турларида ҳам учрайдиган чапақай спортчилар ўнақайлар учун ноқулай рақиб эканлиги ёки ўнақайлар чапақайларга кўпроқ "таслим" бўлиши масаласи доимо тренерлар ўртасида долзарб масала сифатида муҳокама қилиниши одат тусига кирган.

Шуниси эътиборлики, мутахассис тренерлар техник-тактик усулларни икки томонлама ҳам маҳорат билан ижро этадиган амбидекстр спортчиларни қадрлайдилар. Лекин техник-тактик тайёргарлик жиҳатдан шаклланган ўнақай спортчини чапақай ҳаракатга, чапақайни эса ўнақай ҳаракатга ўргатиш самарали натижа бермайди, бу ҳатто спортчини ўзига қулай томондан юксак маҳорат билан ижро этадиган техник элементига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Сўнги йилларда спорт амалиётида ўнақай ва чапақай ҳаракат функцияларига эрта ёшлиқдан бошлаб симметрик тартибда ўргатиш, уларни мунтазам тенг пропорционал нисбатда шакллантириб бориш, бир қанча мутахассис тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган (Л.Д. Назаренко, Е.Садовски, Ф.А. Пўлатов, В.А. Москвин, Н.В. Москвина, В.И. Лях). Ушбу муаллифларнинг айримлари дастлаб спортчига танланган спорт турига хос техник-тактик усулларни қулай томондан ўргатиш (масалан, ўнақай курашчига рақибни ўнг елка орқали кўтариб ташлаш), сўнг ушбу усуллар етарли шакллангач, секин-аста уларни ноқулай томондан ижро этишга ўргатиш лозимлигини эътироф этадилар. Бошқалари (Е. Садовский, В.И. Лях, Р.Д. Чермий, Ник Спортел) спортчининг ўнақай ёки чапақайлигидан қатъи назар, унда ўнақай-чапақай ҳаракат функцияларини эрта ёшлиқдан бошлаб доимо симметрик тартибда шакллантириб бориш муҳимлигини таъкидлайдилар.

Лекин мазкур олимларнинг барчасида муҳокама этилаётган муаммо замонавий технологияларга асосланган серқиррали тадқиқотлар асосида ўз поёнига етказилмаган.

Ушбу масаланинг мураккаблиги шундаки, спорт амалиётида юксак маҳорат даражасида шаклланган ҳар бир техник-тактик усул енгил, аниқ ва тежамли энергия сарфлаш эвазига ижро этилади. Демак, спортчини ўнг ва чап томондан ижро этиладиган техник-тактик усуллар координацияси, аниқлиги, тезлиги ва кучланишига ўргатишда шу ҳаракатлар механикасини таъминловчи биоэнергетик манбалар захираси, юқори калорияли озуқалар ва уларни тежамли сарфланиши ҳам эътиборга олинishi даркор (А. Годик, 2006, Л.Д.Назаренко, 2008, Н.А. Бернштейн, 2002). Шунинг учун спортчиларда техник усулларни қулай ва ноқулай томонларда ижро этиш ассиметрияси, ана шу ассиметрик фарқ билан бажариладиган ҳаракат усулларини кардиореспиратор компонентини ўрганиш, айниқса, уларнинг гипоксик қийматини аниқлаш ўта муҳим амалий аҳамиятга лойиқдир.

Ушбу масала моҳиятини ўрганиш мақсадида биз 15-16 ёшли курашчиларда рақибни икки томонлама (ўнг ва чап) кўтариб ташлаш ассиметрик фарқини аниқлаш асосида рақибни ноқулай томонга симметриязациялаш имкониятини тадқиқот остига олдик (1-жадвал).

1-жадвал

Назорат ва тажриба гуруҳлари 15-16 ёшли курашчиларида ўтказилган моделлаштирилган мусобақа шароитларидаги рақибни ноқулай томонларга йиқитиш усулларини қўллашда муваффақиятли ҳужумлар сони кўрсаткичларини тажриба давомида ўзгариш динамикаси (n = 36)

Т.р.	Усуллар	Гуруҳ x	Тажриба бошида		Тажриба охирида		Нисбий ўсиш, %	Ишончлилик	
			\bar{X}	σ	\bar{X}	σ		t	p
1	Олдиндан супуриб ташлашлар	ТГ	4,14	0,49	4,64	0,52	12,08	4,20	<0,001
		НГ	4,29	0,5	4,53	0,51	5,59	2,02	<0,05
2	Елкадан ошириб ташлаш	ТГ	11,18	1,22	12,16	1,24	8,77	3,38	<0,01
		НГ	11,31	1,19	11,79	1,19	4,24	1,71	>0,05
3	Орқадан, ташқаридан қўшша қилиш	ТГ	17,42	2,26	19,74	2,39	13,32	4,23	<0,001
		НГ	17,14	2,15	18,19	2,21	6,13	2,04	<0,05
4	Олдиндан чалиш	ТГ	18,26	1,81	19,69	1,79	7,83	3,37	<0,01
		НГ	18,42	1,79	19,15	1,74	3,96	1,75	>0,05
5	Белдан ошириб ташлаш	ТГ	14,22	1,98	16,28	2,14	14,49	4,24	<0,001
		НГ	14,44	1,97	15,41	2,03	6,72	2,06	<0,05
6	Орқадан чалиш	ТГ	13,28	1,59	14,92	1,68	12,35	4,25	<0,001
		НГ	13,53	1,58	14,29	1,59	5,62	2,03	<0,05
7	Бўйиндан ўраб, белдан ошириб улоқтириш	ТГ	14,24	1,56	15,49	1,57	8,78	3,39	<0,01
		НГ	14,65	1,55	15,28	1,55	4,30	1,72	>0,05
8	Ёндан ёнбош	ТГ	19,43	2,52	22,03	2,67	13,38	4,25	<0,001
		НГ	19,72	2,51	20,95	2,52	6,24	2,07	<0,05

15 - 16 ёшдаги курашчиларнинг мусобақа фаолияти таҳлили –курашчилар рақибни ноқулай томонга ошириб ташлаш маҳоратининг динамикада шаклланишини ўрганиш, ҳар бир ёш учун техник-тактик тайёргарликнинг ҳар хил томонлари ўзгаришларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, мусобақа фаолияти моделларининг оралиқ босқичларини ифодалаш ва аниқлаш имконини беради. Булар эса спортчиларни тайёрлашнинг мазкур компонентда сезиларли ва самарали ўсишини таъминлаш учун кетма-кет олға силжиш учун зарур бўлади. Бунинг оқибатида 15-16 ёшдаги курашчиларнинг мусобақа фаолияти хусусиятлари ўрганилди. 15-16 ёшдаги курашчилар тажрибада биз томонимиздан ишлаб чиқилган дастур асосида мусобақаларда қатнашди.

Мусобақа натижалари бўйича уларнинг ноқулай томонларга усуллар қўллаб беллашув олиб бориш техник-тактик тайёргарлиги даражасини аниқлаш мақсадида яқуний баҳолаш ўтказилди. Биз ўтказилган 312 тадан зиёд беллашувлар таҳлили асосида ҳужум ҳаракатларининг қуйидаги турларини аниқладик:

1) курашчи ўзига қулай томонга курашиб, бирдан ноқулай томонга усулни бажаради;

2) мураккаб бўлган ноқулай томонга техник-тактик ҳаракатлар билан ҳужум қилиш. Улар қуйидагиларни қамраб олади:

а) усуллар комбинацияси – биринчи тайёрланган усулга реакция билдириш зарурлиги боис, рақиб томонидан юзага келтирилган қулай динамик вазиятда қўлланиладиган мураккаб ноқулай томонга ҳужум қилишга тайёргарлик варианты;

б) олдиндан тайёргарлик асосида ягона усул билан ҳужум – қулай динамик вазият тактик тайёргарлик вариантларидан мураккаб техник-тактик тайёргарлик варианты. Техник ҳаракатларни ўтказишнинг тактик вариантлари қаторида биз томонимиздан қуйидагилар аниқлаштирилди: мувозанатдан чиқариш, ёлғон ҳужум, сиқиб қўйиш.

Курашчиларнинг ҳужум ҳаракатлари тавсифлари учун диссертациянинг иккинчи бобида келтирилган мусобақа фаолияти параметрларидан фойдаланилган. 15-16 ёшли курашчиларнинг машғулот жараёнида ноқулай томонларга ошириб ташлаш ҳаракатларини ривожлантиришга йўналтирилган моделлаштирилган беллашувларни ташкил этиб бориш, курашчиларнинг техник-тактик ҳаракатларини янада самарадорлигини оширишга амалий ёрдам берди. Курашчиларнинг ноқулай томонларга курашиш қобилиятини ривожлантириш учун биз томонимиздан махсус тестлар ишлаб чиқилди (2-жадвал).

15-16 ёшли курашчиларнинг машғулот жараёнида моделлаштирилган беллашувда рақибни ноқулай томонларга йиқитиш усуллари натижаси

т/р	Тестлар	гуруҳ	Ноқулай томонга йиқитиш	Баллар йиғиндиси
1	Елкадан ошириб ташлаш	НГ	1	5
		ТГ	3	15
2	Бўйиндан ўраб белдан ошириб ташлаш	НГ	0	0
		ТГ	2	5
3	Белдан ошириб ташлаш	НГ	1	5
		ТГ	3	15
4	Ён томондан ёнбош	НГ	2	10
		ТГ	3	15
5	Икки енгдан ушлаб елкадан ошириб ташлаш	НГ	0	0
		ТГ	1	5
6	Орқадан ташқаридан қўшша	НГ	1	5
		ТГ	2	10
7	Ичкаридан қўшша	НГ	0	0
		ТГ	2	10
8	Олдиндан супуриб ташлашлар	НГ	1	5
		ТГ	2	10

Изоҳ: мураббий томонидан машғулот жараёнидаги моделлаштирилган беллашувда тадқиқот гуруҳида шугулланадиган курашчиларга рақибни ноқулай томонларга бажарилган ҳар бир усул учун 5 балл тўплаши тайинланган.

Тадқиқот гуруҳида кураш спорт турида кўп қўлланадиган 8 та усулни танлаб олдик ва бу усуллари агар курашчи ўнақай бўлса чап томонга, чапақай бўлса ўнг томонга бажариш вазифаси юклатилди.

Ушбу юклатилган вазифани, яъни битта усулни ҳалол баҳога бажарган курашчига 5 балл берилди. Энг кўп балл тўплаган курашчилар рағбантирилиб борилди.


Тайёргарлик даврининг махсус тайёргарлик босқичи. Босқич давомийлиги 4 ой. Ёш курашчиларнинг машғулот жараёнига тадқиқ этилди.

Тажрибада 1-тоифали 6 та, спорт усталигига номзод 4 та ва 2 та спорт устаси, жами 12 та 15-16 ёшли курашчилар қатнашди.

Назорат гуруҳида ҳам 1-тоифали 6 та, спорт усталигига номзод 4 та ва 2 та спорт устаси, жами 12 та 15-16 ёшли курашчилар қатнашди.


Тадқиқот натижасида 4 ойдан сўнг мусобақа типига 8 та беллашувда тажриба гуруҳи курашчилари кўпроқ ноқулай томонга рақибни ошириб ташлаб, юқори натижаларни қўлга киритди (2-жадвал).

Тадқиқот шуни кўрсатдики, 15-16 ёшли курашчиларда рақибни ноқулай томонларга ошириб ташлаш, айниқса, шоҳ усулларни иккала томонга бирдек бажариш муваффақиятлар омилидир. Кўришиб турибдики, рақибни ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш сони бўйича олинган дастлабки кўрсаткичларнинг 10 ойлик машғулотлардан сўнг регрессив томонга ўзгариши ва ушбу усуллар ўртасидаги ассиметрик фарқ 10 марта ўнг ва чап елкадан ошириб ташлаш вақти бўйича ҳам қайд этилди (1 ва 2 расмлар). Ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш билан боғлиқ анаэроб чидамкорликни ривожлантиришда юкламаларни меъёрлашни текширишнинг кейинги босқичи машғулот вазифаларида юкламани ҳажми бўйича унинг қуйидаги тавсифлари: йўналиши ва ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда меъёрлашни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.



Изоҳ: А – ўқув йили бошида; Б – 10 ойдан сўнг. 1 – 46-50 кг вазн тоифаси; 2 – 65-71 кг вазн тоифаси; 3 – 77-83 кг вазн тоифаси.

1-расм. Турли вазн тоифаларига мансуб 15-16 ёшли курашчиларда рақибни қулай ва ноқулай томонлама кўтариб ташлаш сони ўртасида қайд этилган ассиметрик кўрсаткичлар.



Изоҳ: А – ўқув йили бошида; Б – 10 ойдан кейин; 1 – 46-50 кг вазн тоифаси; 2 – 65-71 кг вазн тоифаси; 3 – 77-83 кг вазн тоифаси.

2-расм. Турли вазн тоифаларига мансуб 15-16 ёшли курашчиларда рақибни қулай ва ноқулай томонлама кўтариб ташлаш вақти (10 сония ичида) ўртасида қайд этилган ассиметрик фарқ кўрсаткичлари.

Юкламалар тузилмасининг аниқ таркибини белгилаш учун Н.И.Волков тавсияларидан фойдаланиш зарур:

а) анаэроб - алактат машқлар (энергия таъминоти креатинфосфат манбаини ривожлантирувчи): давомийлиги – 8 с, шиддати максимал (200 зарба/дақ гача ва юқори);

б) анаэроб - гликолитик (энергия таъминотининг гликолитин манбаларини ривожлантирувчи): давомийлиги - 0,3 дан 0,5 дақиқагача, шиддати субмаксимал (186 ур/дақ гача);

в) анаэроб-аэроб: машқлар давомийлиги - 1 дақ. гача шиддати - катта (174 зарба/дақ. гача);

г) аэроб машқлар: давомийлиги - 2 дан 3 дақ. гача, шиддат - сустр (150-156 зарба/дақ).

Машғулот вазифаларини (серияларини) режалаштириш давомида турли йўналишдаги машқларнинг курашчилар организмига бўлган физиологик таъсири шиддати текширилди ва улар организмнинг юрак қисқариши тезлиги (ЮҚТ) ва артериал босим (АБ) параметрлари бўйича тикланиш хусусиятлари таҳлил қилинди.

Машғулот вазифаларида юкламаларнинг физиологик таъсирини баҳолаш учун биз томонимиздан янгиланган С.П.Летунов тести қўлланилди.

С.П.Летунов тести куч, тезкорлик ва чидамкорликка қаратилган юкламаларда қон айланишини бошқаришга ҳар томонлама уринишдан иборат.

Турли юкламаларда қон босими ўзгариши ҳамда томир уриш аниқланади ва ҳар бирдан сўнг дастлабки даражага қайтиш текширилади.

Бизнинг С.П.Летунов тестига киритган янгилигимиз куйидагидан иборат:

1. Машғулот юкламалари сифатида куйидагилар қўлланилди:

а) ихтисослашмаган турли йўналишдаги машқлар;

б) қисман ихтисослашган машқлар (махсус тайёргарлик машқлари, яккакураш элементларидан иборат ўйинлар ва ҳ.к.);

в) турли ТТХ ва МФ элементлари, шунингдек, турли юклама йўналиши режимларида бажариладиган кўп юришли комбинациялар.

2. Томир уриши кўрсаткичларининг дастлабки даражага қадар тикланиши давомида биз томир уришининг 144 - 150 зарба/дақ. гача (1 чегара) ва 120 зарба/дақ. гача (2 чегара) тикланиш вақти кўрсаткичларини киритдик. Томир уриши 10 сония ичида ҳисобланди.

Тажрибалар давомида куйидагиларни аниқлаш зарур эди:

- турли йўналиш режимларида бажариладиган машқларнинг неча марта такрорланиши шиддатли юкламанинг берилган режимга киришни (томир уриши қийматиға кўра) таъминлайди;

- 15-16 ёшли курашчиларда анаэроб-алактат ва анаэроб-гликолитик ишда машқларни такрорлаш сони учун оптимал чегара қандай;

- машқларни турли миқдорда такрорлагандан сўнг спортчилар организмнинг тикланиш динамикасини (ЮҚТ бўйича) баҳолаш;

- машқларни такрорлашни бажариш ва машқ сериялари ўртасидаги бўш вақтнинг оптимал режими қандай.

- Тадқиқот натижалари қуйидагиларни белгилашга ёрдам берди:

1. Анаэроб-алактат йўналишидаги машқларни бажаришда қуйидаги ҳолларда максимал шиддатдаги режимга киришга эришилади; 4-5 марта

а) тажриба гуруҳи курашчилари учун машқларни 3-4 марта такрорлашдан сўнг ($P < 0,001$);

б) назорат гуруҳи курашчилари учун машқларни 2-3 марта такрорлашдан сўнг ($P < 0,001$).

Бундай йўналиш режимида машқлар давомийлиги 10 сониядан (ҳамма гуруҳлар учун) ошмаслиги лозим (креатинфосфат энергия таъминотини ривожлантириш учун оптимал давомийлик 6-8 сонияга етади).

Максимал шиддат режимига кириш билан 10 с. ичида махсус юклама таркиби қуйидагича: тик туришда ўнг ва чап томонлама ошириб ташлашларни камида 6-7 марта бажариш лозим. Танаффус вақти – 1 - 2 с., кейин ташлашлар сериясини давом эттириш зарур. Битта ёндошишда ташлашларни 4-6 серияда бажаришни тавсия этамиз.

2. Анаэроб-гликолитик йўналишдаги машқларни бажаришда қуйидаги ҳолларда субмаксимал шиддатдаги режимга киришга эришилади:

а) I гуруҳ курашчилари учун машқларни 2 марта такрорлашдан сўнг ($P < 0,001$)

б) II ва III гуруҳ курашчилари учун субмаксимал шиддатдаги режимга кириш машқни бир марта такрорлашдан кейин таъминланади ($P < 0,005$).

Машқлар ўртасида дам олиш вақти 0,5 дақиқагача оптимал давомийликда 1-2 дақ. ни ташкил этади ($P < 0,001$). Машқларнинг битта сериясидаги такрорлашлар сони 12-16 марта.

3. Анаэроб-аэроб ва аэроб йўналишдаги машқларни бажаришда катта ҳамда суст қувватдаги режимга кириш биринчи такрорлаш жараёнидаёқ эришилади. Ушбу ҳолда машқлар сони тартибга солинмайди. Машқларни такрорлашлар ўртасидаги дам олиш вақти 3-4 дақ. гача (спортчилар организмнинг тўлиқ тикланишига қадар) етиши мумкин.

Юкламаларни тезкор меъёрлаш хусусиятларини текшириш жараёнида тажриба ва назорат гуруҳи спортчилари организмнинг турли юкламалар таъсиридан сўнг тикланиш динамикаси баҳоланди. Курашчилар махсус юкламалар – ташлашларни бажарадилар. Ташлашлар тик туришда, ўнг ва чап томонлама ошириб ташлаш йўналишли режимларида машқларни 6 серияда такрорлашгача бажарилди (3-жадвал).

3-жадвал

15-16 ёшли курашчиларда анаэроб чидамкорликни
ривожлантириш учун бажариладиган машқларни тузилиши

T/p	Махсус машқлар	Машқларни бажариш учун сарфланган вақт ва такрорлашлар сони	ЮҚС	Дам олиш оралиғи	Шиддат зонаси	Таъсир йўналиши
1	Турникда 10 секунд ичида тортилиш сони (марта)	6,3	135	20-30 (с)	Субмаксимал	Анаэроб-алактак (тезкор куч)
		6	150	10-15	Максимал	
2	Оёқлар ёрдамсиз арконга кўтарилиш 4 м (с)	11	155	20-30	Субмаксимал	Анаэроб-гликолитик (тезкорлик) Чидамкорлиги
		13	170	15-20	Максимал	
3	Ўнг оёқда ўтириб-туриш (марта)	11,9	130	20-30	Катта	Аэроб (узумий чидамлилиги)
		10	150	10-12	Субмаксимал	
4	Чап оёқда ўтириб-туриш (марта)	9,6	135	20-30	Субмаксимал	Аэроб (узумий чидамлилиги)
		8	145	10-12	Максимал	
5	5X6 м. га моксимон югуриш (сек)	11,05	140	20-30	Субмаксимал	Анаэроб-алактак (тезкор куч)
		12	155	10-15	Максимал	
6	Кўприк ҳолатида бош атрофида айланишлар: 5-чапга, 5-ўнга (с)	22,5	155	20-30	Катта	Анаэроб-алактак (тезкор куч)
		25	170	10-15	Субмаксимал	
7	Рақибни 10 сек. ичида елкадан ошириб ташлаш сони (марта)	6,3	155	20-30	Субмаксимал	Анаэроб-гликолитик (тезкорлик) Чидамкорлиги
		6	170	10-15	Максимал	
8	Рақибни 10 марта елкадан ошириб ташлаш вақти (с)	18,5	150	20-30	Субмаксимал	Анаэроб (ҳаракат сифатларининг ҳамма тури)
		20	165	10-15	Максимал	
9	60 м югуриш(с)	8.10-8.25	140	20-30	Катта	Аэроб (узумий чидамлилиги)
		8.5-9.1	155	10-15	субмаксимал	
10	Швед деворида осилиб оёқларни кутариш (марта)	13-16	135	20-30	Субмаксимал	Анаболик(куч ва чидамлилиги)
		12-14	145	10-15	Максимал	
11	400 м га югуриш, сония	1:15-1:30	180	20-30	Субмаксимал	Анаэроб-гликолитик (тезкорлик) Чидамкорлиги
		1:30-2:00	165	10-15	Максимал	
12	Шеригини елкага кутариб ўтириб-туриш (марта)	25,4	145	20-30	катта	Анаэроб-гликолитик (тезкорлик) Чидамкорлиги
		23.2	160	10-15	Максимал	

Машқларнинг ҳар бир сериясини бажариш давомида спортчилар организмнинг 150 зарба/дақ., 120 зарба/дақ. гача ва дастлабки ҳолатга қадар тикланиш вақти қайд қилинди. Биз машғулот вазифалари зичлигини ошириш учун С.П.Летуновнинг куйидаги янгиланган тестидан фойдаландик: машқларнинг тавсия этилган сериялари бажарилгандан сўнг 1 дақ. гача давом этадиган дам олиш оралиғи. Агар шу вақт ичида ЮҚТ 120 зарба/дақ. гача ва

ундан пастга камайса, юқори шиддатдаги юкломани давом эттириш лозим. Агар ЮҚТ шу даражагача камаймаса, дам олиш вақтини узайтириш зарур. Анаэроб - алактат, анаэроб-гликолитик ва аралаш аэроб - анаэроб юкломалар учун ихтисослаштирилган юклама сифатида қуйидагиларни қўллашни тавсия этамиз:

- тезкор ташлашлар, шунингдек маълум бир вақт: 10 с, 20 с, 30 с, 1 дақ., 3 дақ. ва ҳ.к. ичида максимал ташлашлар сони;

- усулларни тайёрлашнинг тактик йўллари: рақибнинг турли даражадаги қаршилигида мувозанатдан чиқариш усуллари 15-16 ёшли курашчининг махсус тайёргарлик машқлари, ташлашларни ишора билан ўхшатиб бажариш ва бошқалар;

- берилган вақт оралиғида (10 с, 20 с, 30 с, 1 дақ., 2 дақ., 3 дақ.) бирлаштирилган қўлларни ажратиш, рақибни орқасига босиб ушлаб туриш, ҳужумни қайтариш режимида усулларни амалга ошириш, босиб туришдан усуллардан қочиш ва ҳ.к.;

Диссертациянинг **“15-16 ёшли курашчиларда жисмоний ва функционал тайёргарликни ривожлантириш асосида рақибни ўнг-чап томонлама кўтариб ташлаш усулларини педагогик тажриба давомида симметризациялаш имконияти”** деб номланган тўртинчи бобида назорат ва тажриба гуруҳларидан иборат 15-16 ёшли курашчилар иштирокида 9 ой давомида ўтказилган педагогик тажриба натижалари қиёсий таҳлил қилинган. Турли вазн тоифасига мансуб 15-16 ёшли курашчиларнинг рақибни ўнг ва чап томонлама ошириб ташлаш самардорлигини оширишга йўналтирилган биз томонимиздан ишлаб чиқилган ҳафталик микроциклни машғулот циклининг даврлаштиришига қараб, ўқув-тренировка йиғинларидаги машғулотларнинг юкломаси моҳияти турлича бўлиши мумкин. Ушбу ишлаб чиқилган дастур асосида анаэроб чидамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган машғулот воситалари қўлланилганда ўтказилган тадқиқотлар давомида курашчиларининг машғулотларида УЖТ, МЖТ ва ТТТ самардорлигини ошириш ва оптималлаштириш асосида курашчиларда анаэроб чидамкорликни ривожлантиришга қаратилган ўсиш ва ривожланиш динамикаси назорат қилинди.

Тадқиқот давомида курашчилар Ўзбекистон чемпионатида, Ўзбекистон кубогига ва халқаро турнирларига тайёрланиш мақсадида малакали курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик нисбатини оптималлаштириш услубини ишлаб чиқишни тақозо этди. Тажрибада 24 нафар курашчилар иштирок этиб, тадқиқот ишлари тажриба ва назорат гуруҳларига тақсимлаган тарзда олиб борилди. Ҳар бир гуруҳ 12 нафар курашчилардан иборат бўлиб, кураш билан шуғулланиш стажи 5 йилдан кам бўлмаган 12 нафар спортчилар иштирок этди.

Курашчиларда йиллик режалаштирилган машғулот соати 1248-соат ва ҳафталик режалаштирилган машғулот соати 24 соатдан иборат. Биз томонимиздан амалиётга татбиқ қилинган дастур юқорида келтирилган соатлардан четга чиқмаган. Бу дастур якшанбадан ташқари ҳафтанинг ҳар кунига мўлжалланган. Машғулотлар кунинг биринчи ярми ва куннинг иккинчи ярмида бўлиб ўтади (4-жадвал).

15-16 ёшли курашчиларда ўнг ва чап томонлама кўтариб ташлаш ва анаэроб чидамкорликни ривожлантириш самарадорлигини оширишга йўналтирилган дастур

Т/р	Хафта кунлари	1-машғулот	Машғулот вақти (соат)	Умумий Соат	2-машғулот	Машғулот вақти (соат)	Умумий соат	жами	Юклама меъёри	
1	Душанба	Чалқанча ётган ҳолда бажариладиган нафас машқлари	15-20 минут	2	Дам олиш оралиғисиз 3 та рақиб билан 2 минутдан беллашув	15 минут	2	4	Юқори	
2	Сешанба	60-100 метр масофаларга югуриш	20-25 минут	2	Беллашув (схватка)	20 минут	2	4	Юқори	
3	Чоршанба	Сузиш машқлари	25-30 минут	2	Шерикни ўнг ва чап елкадан ошириб ташлаш	10 минут	2		Юқори	
4	Пайшанба	Зиналарда югуриш	20-25 минут	2	Тикланиш тадбирлари	2 соат	2	4	Юқори	
5	Жума	Шерикни ўнг ва чап томонларга белдан ошириб ташлаш	10-15 минут	2	Беллашув (схватка)	20 минут	2	4	Юқори	
6	Шанба	Қисқа вақтда бажариладиган машқлар (усуллар тақлиди)	20-25 минут	2	Тикланиш тадбирлари	2 соат	2	4	Юқори	
7	Якшанба	Дам олиш куни					Умумий 24 соат			

Душанба куни эрталабки машғулотларда, бунда курашчилар умумий 2 соат давомида машғулот олиб боришади. Шундан умумий жисмоний тайёргарликка ажратилган вақт ҳисобидан 15-20 дақиқа чалқанча ётган ҳолда бажариладиган нафас машқлар тажриба гуруҳида шуғулланадиган курашчиларда қўлланилади.

